

4/2024,  
iyul-  
avgust  
(№ 00072)



## **ЗАМОНАВИЙ БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ВА ХАЛҚАРО БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИДА МАЖБУРИЯТЛАРНИ ТАСНИФЛАШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Фарманова Зухра Тулкиновна**

*Тошкент Кимё Халқаро Университети мустақил изланувчиси*

**E-mail:** [farmanova1987@mail.ru](mailto:farmanova1987@mail.ru)

**ORCID:** <https://orcid.org/0009-0002-5833-4743>

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol12\\_iss4/i1](https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss4/i1)

### **Аннотация**

Ушбу мақолада бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) ҳамдамолиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) талабларига асосан мажбуриятларни ҳисобга олиш тартиб қоидалари кўриб чиқилган. Мавзу оид бўлган миллий ва халқаро даражадаги адабиётлар ўраганилиб, мавзу доирасидаги хулосалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** мажбурият, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС), бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БҲХС), бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС), қарз, кредит.

### **ОСОБЕННОСТИ КЛАССИФИКАЦИИ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ В СОВРЕМЕННОМ И МЕЖДУНАРОДНОМ БУХГАЛТЕРСКОМ УЧЕТЕ**

**Фарманова Зухра Тулкиновна**

*Ташкентский Международный Университет Кимё независимый исследователь*

### **Аннотация**

В данной статье рассмотрены правила учета обязательств, основанные на требованиях национальных стандартов бухгалтерского учета (НСБУ) и международных стандартов финансовой отчетности (МСФО). Была собрана национальная и международная литература по данной теме и сделаны выводы по данной теме.

**Ключевые слова:** обязательство, бухгалтерский учет, международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), международные стандарты бухгалтерского учета (МСФО), национальные стандарты бухгалтерского учета (МСФО), долг, кредит.

### **FEATURES OF CLASSIFICATION OF LIABILITIES IN MODERN AND INTERNATIONAL ACCOUNTING**

**Farmanova Zuxra Tulkinova**

*Kimyo International University in Tashkent independent researcher*

### **Abstract**

This article examines the rules for accounting for liabilities based on the requirements of national accounting standards (NAS) and international financial reporting standards (IFRS). National and international literature on this topic was collected and conclusions were made on this topic.

**Keywords:** liability, accounting, International financial reporting standards (IFRS), International accounting standards (IAS), National accounting standards (NAS), debt, credit.

## **Кириш**

Ҳозирги кунда юртимизда миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашда хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш орқали хорижий инвестицияни оқимини кўпайтириш мақсадида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сўғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари жорий этилмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари жорий этилишида мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни тўғри ташкил этиш ва уларни МҲХС талаблари доирасида молиявий ҳисоботларда акс эттириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасида мажбуриятлар бухгалтерия ҳисобининг объектлари қаторида алоҳида кўрсатиб ўтилган. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисобининг молиявий ҳисоботларида Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича «Баланс»да ёки Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича «Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот»да хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган элемент ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос» номли миллий стандартида мажбуриятга қуйидагича таъриф берилган: «Мажбуриятлар — шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга ошириш, масалан, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, пул тўлаш ва бошқалар ёхуд муайян ҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир, кредитор эса қарздордан ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилишга ҳақлидир».

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Махмудов С (2006), Тўйчиев А.Ж (2011), Эргашева Ш.Т., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Ибрагимова И.Р (2019), Ташназаров С.Н., Ташназарова Д.С. (2018), Козимжонов А. (2022) ва бошқалар томонидан илмий ишларида хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида такомиллаштиришнинг услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этилганлар.

Рус олимларидан Ж.Зимарева «корхоналарнинг контрагентлар олдидаги мажбуриятлари корхонанинг даромадлари моддалари сифатида, контрагентларнинг корхона олдидаги мажбуриятлари унинг харажатлари моддалари сифатида кўриб чиқилиши керак» деб таъкидлайди. Ж.Зимарева ушбу таърифда корхона даромад ва харажат моддаларига ёндашган ҳолда таъриф берган[12].

Яна бир иқтисодчи олим С.Махмудовнинг фикрича – «мажбурият бир корхонанинг иккинчисига бўлган қарздорлигини кўрсатувчи, уларнинг сўндирилиши эса қарздор корхонанинг активларини камайтирувчи, олдиндан юз берган хўжалик муомалаларининг натижасидир». Ушбу ёндашувда муаллиф бир корхонанинг бошқа корхонага бўлган қарзи нуқтаи назардан ёндашган[6].

Иқтисодчи олим А.Козимжонов фикрича «Мажбурият бу - хўжалик юритувчи субъектнинг ўтган давр ва амалдаги фаолияти натижасида вужудга келган жавобгарлик бўлиб, жавобгарликни бажарилиши оқибатида хўжалик юритувчи субъектнинг фойда келтириши мумкин бўлган иқтисодий ресурсларини бошқа корхоналарга бериб юборилиши тушунилади»[10].

Иқтисодчи олим А.Тўйчиевнинг фикрича, «мажбурият дейилганда хўжалик юритувчи бир субъектнинг бошқа субъектга мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва бошқа ҳаракат натижасида юзага келадиган ҳамда кейинги ўзаро ҳисоблашишларга асос бўлувчи ҳуқуқий муносабатлар» деб таъриф беради [7] ва мажбурият уч асосий хусусиятга эга бўлиши, яъни мажбурият бошқа субъектга активларнинг ўтказилиши, ишлар бажариб берилиши, хизматлар кўрсатилиши ёки ҳисоб-китоб рақамидан пул тўлаб берилиши билан қондирилиши мумкин дейилганида, бу мажбуриятлар қарздор корхона томонидан кечиб юборилиши мумкин эмаслиги назарда тутати.

Мажбуриятларнинг ўз вақтида тўланмаслиги турли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин деб атайди. Масалан, ҳақдор корхона қарздор корхонадан ўз ҳақини талаб қилиб, хўжалик судига мурожаат қилиши мумкин. Бунинг натижасида қарздор корхона судда ютқазиб қўйиши ҳамда суд билан боғлиқ харажатларни, қарз суммасини, ўз вақтида тўланмаганлиги учун жарима суммасини ва етказилган маънавий зарарни қоплаб беришига тўғри келади. Бу ҳолат корхонага катта зарар етказиб, у молиявий аҳволининг ёмонлашишига сабаб бўлади. Шунинг учун, хўжалик юритувчи субъектлардан иқтисодий муносабатларда маҳсулот етказиб бериш, хизмат кўрсатиш, ишлар бажариб бериш ёки пул тўлови орқали қарзларни ўз вақтида қоплаб берилиши, яъни тўлов интизомига риоя этишлари талаб қилинади. Мажбуриятлар мунозарали бўлмаслиги керак дейилганида эса қарздор корхонада ҳам мажбурият миқдори бир хил бўлиши ҳамда ушбу мажбурият икки томонлама тан олинган бўлиши керак» деб таъкидлайди.

Ушбу иқтисодчи олим мажбуриятнинг ҳуқуқий муносабатлари ҳамда мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаслиги натижасида жарима, суд харажатлари каби харажатлар келтириб чиқиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритган. Аммо, иқтисодчи олим қарз мажбуриятлари бўйича вужудга келадиган харажатларни ҳисобининг хусусиятларини кўриб чиқмаган.

#### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот ишини бажаришда маълумотларни тўплаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, индукция ва дедукция усуллари қўллаган ҳолда МҲХС асосида мажбуриятларни ҳисобга олишнинг хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларидан фойдаланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар.**

Бизнинг фикримизча, юқорида иқтисодчи олимларнинг таърифидан келиб чиқиб мажбуриятлар қуйидаги асосий икки хусусиятлар билан белгиланган мумкин:

1. Хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар молиявий аҳволини яхшилаш учун қисқа ёки узок вақт давомида тўланиши шарт бўлган, бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан ёки банк ва бошқа кредит ташкилотлари қарз олишнинг ҳар қандай тури ҳисобланади;

2. Хўжалик юритувчи субъектлар олдидаги мажбурияти ёки жавобгарлиги эвазига уларга активларни келгусида топшириш ёки улардан фойдаланишни, хизматлар кўрсатиш ва бошқа иқтисодий фойда келтирадиган бошқа операциялар билан белгиланган ва белгиланмаган санада амалга оширилади.

Бизга маълумки, мажбуриятлар баланснинг пассив қисмида акс эттирилиб, икки гуруҳга: жорий мажбуриятлар ва узоқ муддатли мажбуриятларга бўлинади.

Жорий мажбуриятлар – ҳисобот даври мобайнида бир йилгача бўлган муддат давомида сўндирилиши керак бўлган мажбуриятлардир. Жорий мажбуриятларга асосан иш ҳақи, товар моддий захиралар етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар, солиқлар ва йиғимлар, узоқ муддатли банк кредитлари ва облигацияларнинг жорий қисми ва бошқа кредиторлик қарзларини ўз ичига олади. Кўпчилик олимларнинг илмий ишларида ва бошқа хориж адабиётларида жорий мажбуриятларни қисқа муддатли мажбуриятлар деб юритилади. Бу икки атамани асоси бир деб қабул қилиш зарур.

Узоқ муддатли мажбуриятлар эса, бир йилдан ортиқ вақт давомида сўндириладиган мажбуриятлардир. Булар асосан узоқ муддатли кредитлар, облигациялар, кечиктирилган солиқ мажбуриятлари, бир йилдан ортиқ бўлган ижара тўловлари ва бошқа кредиторлик қарзларини ўз ичига олади.

Хўжалик юритувчи субъектлар қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ва қарздорликлар билан боғлиқ бўлган хўжалик жараёнларини акс эттиришда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган 21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли миллий стандартдан (БҲМС) фойдаланилади. Ушбу миллий стандарт Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун асосида ишлаб чиқилиб, бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий ҳужжат бўлиб ҳисобланиб келмоқда ва мулкчилик шаклидан қатъий назар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ижро этилиши мажбурий этиб белгиланган.


Мазкур стандарт бўйича мажбуриятлар 2 қисмга бўлинади. Биринчи қисм жорий мажбуриятлар деб номланган ҳолда қуйидаги моддалар асосида гуруҳланади:

- 6000 - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ;
- 6100 - «Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар» ;
- 6200 - «Кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар»;
- 6300 - «Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар» ;
- 6400 - «Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар»;
- 6500 - «Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар» ;
- 6600 - «Таъсисчиларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар»;
- 6700 - «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар» ;
- 6800 - «Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар» ;
- 6900 - «Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар».

Иккинчи қисмида эса, узоқ муддати мажбуриятлар деб номланган бўлиб, у қуйидаги моддалар асосида гуруҳланади:


- 7000 – «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар»;
- 7100 – «Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзлар»;
- 7200 – «Кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар»;
- 7300 – «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар»;
- 7800 – «Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар»;
- 7900 – «Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар».

МҲХС асосида молиявий ҳисобот тузиш ва ҳисоб юритишда мажбуриятларнинг вужудга келишининг ўзига хос жиҳатлари БҲМС дан ажралиб туради. Қуйидаги расмда мажбуриятлар ҳисобини ташкил этишдаги МҲХС ва БҲХСлари рўйхати келтириб ўтилган.



**1-расм. мажбуриятлар ҳисобини тартибга солувчи МҲХС ва БҲХС рўйхати**

Бизнингча, ушбу БҲХС, МҲХС ва бошқа кўплаб стандартлар асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича мажбуриятларни қуйидаги турларга ажратиш мақсадга мувофиқ:



**2-расм. Мажбуриятларнинг турлари бўйича гуруҳланиши.<sup>1</sup>**

2-расмда келтирилган муаллиф ёндашувидан келиб чиқиб, фикримизча хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ва бошқарув фаолияти давомида мажбуриятлар ҳисобини ташкил этганда мажбуриятларни қуйидаги 3 та гуруҳга ажратиб олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Хўжалик юритувчи субъект мулкдорлари олдидаги мажбуриятлар;
2. Давлат органлари олдидаги мажбуриятлар;
3. Юридик ва жисмоний шахслар олдидаги мажбуриятлар;

### **Хулоса ва таклифлар**

Олиб борилган тадқиқот давомида бир қанча хориж адабиётларини таҳлил қилинганда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича мажбуриятларни ташкил қилишда бир қанча МҲХСлари асосий меъёрий ҳужжат бўлиб ишлаб келинмоқда. Мисол учун қуйидаги молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини келтиришимиз мумкин: 39-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти «Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш», 7-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти «Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш», 9-сон Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти «Молиявий инструментлар», 37-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти «Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар», 9-сон МҲХСШҚ Шарҳи «Молиявий мажбуриятларни ўлушли инструментлар билан сўндириш», 6-сон МҲХСШҚ Шарҳи «Махсус бозорда иштирок этишдан юзага келадиган мажбуриятлар – чиқинди электр ва электрон ускуналар» ва бошқалар. Ушбу халқаро стандартлар асосида ҳўжалик юритувчи субъектларда, мажбуриятлар ҳисобини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. (янги таҳрири) 14.04.2016.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори. (<https://lex.uz/ru/docs/4746047>).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони манба: <https://www.lex.uz>.
4. «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос» номли Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти. 38-банд. -Т.: УзБАМА, 2003. -42 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами. –Т.: Адолат, 2011.
6. Махмудов С. Акциядорлик жамиятларида мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Иқт.фан.ном. дис. ...автореф. – Тошкент: 2006. -22 б.
7. Тўйчиев А.Ж. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Дис....иқт.фан.д-ри. – Т., 2011.
8. Эргашева Ш.Т., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Ибрагимова И.Р. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2019. – 227 б.
9. Эргашева Ш.Т., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Ибрагимова И.Р. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2019. – 227 б.
10. Kozimjonov A. Problems with Accounting of Borrowing Costs Capitalized in Compliance with the IFRS and the Ways to Solve them //Proceedings of the 5th International Conference on Future Networks and Distributed Systems. – 2021. – С. 366-369.
11. Ташназаров С.Н., Ташназарова Д.С. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. – Самарканд: СамИСИ, 2018. – 421 б.
12. Зимарева Ж. Бухгалтерский учет отложенных обязательств. Дисс.настпене.кон.экон.наук. – Новосибирск 2007й. - 9ст.